

КОГНИТИВ ВА ФИКРЛАШ ФАОЛЛИГИНИ ТАРБИЯЛАШДА АЖДОДЛАР МЕРОСИНИНГ ЎРНИ



*Роҳатой САҒАРОВА,
Қори Ниёзий номидаги Тарбия педагогикаси миллий
институтининг "Миллий тарбия, мутафаккирлар ва
жадидларнинг педагогик таълимлари" илмий-тадқиқот
бўлими мудири, п.ф.д., профессор.*

Ҳар қандай халқ мероси ёш авлоднинг маънавий – ахлоқий ривожланиши ва ўзлигини англаши учун методологик манба вазифасини ўтайди. Чунки унда миллат фахри ва ғурури бўлган аجدодлар ақл-идроқи, тафаккури, маънавияти ва маданияти намоён бўлади. Маънавий-ахлоқий мерос авлодлар тараққиётида муҳим ўрин тутди. Уларни маънавий-интеллектуал фаолликка ундайди. Мазкур фаоллик когнитив фаоллик сифатида намоён бўлади.

Когнитив фаоллик ўқувчиларнинг ҳақиқий билим олиши ва уларда фаолият тажрибаси ҳосил бўлишига хизмат қилади. Шахс когнитив фаолияти муайян даражаларга эга бўлиб, унинг ақлий тараққиётини таъминлайди. У ҳиссий билиш – сезги, идрок, тасаввур орқали ҳосил қилинади,

рационал билиш – тушунча, мулоҳаза, ақлий ҳулосалар воситасида назариялар тарзида намоён бўлади. Шунингдек, инсон билиш фаолиятининг кундалик, бадиий, илмий даражалари ҳам мавжуд. Илмий билиш фаолияти табиат ва жамиятнинг ўзига хос хусуситларини билишга қаратилган. Шунга кўра когнитив фаолият муайян йўналиш, аниқ мақсад ва вазифаларига эга бўлади.

Шахс когнитив фаоллик ёрдамида тарихий, маданий, ижтимоий тажрибанинг моҳияти, атроф олам, ундаги воқеа-ҳодисаларни тўлақонли тарзда англайди. Ўқувчилар эса когнитив фаолият жараёнида тарихий тажриба, воқеа-ҳодисалар мазмун-моҳиятини англаш билан бирга унга у ёки бу даражада жавоб

қайтаради. Инсон билиш жараёни аниқ билимлар ёрдамида ривожланади. Ўқувчилар мутафаккир аждодларимиз мероси ёрдамида билишнинг турли шаклларини ўзлаштиради. Бунга ақлий ва ҳиссий билишни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўқувчи ёшлар билиш фаолияти орқали маънавий-маданий, интеллектуал бойлик, аждодлар мероси ва халқнинг кўп асрлик ижтимоий тажрибаси



ҳамда қадриятларини эгаллайди. Инсон ўзлаштирган билим ва ижтимоий тажрибаларини тушунча, қонун, принцип ва назариялар сифатида талқин қилади ва кейинги авлодларга еткази.

Билиш жараёни муайян босқичларга эга. Босқичлар шахснинг дунёни англаш даражаси, билиш фаолиятининг шакл ва методларидан келиб чиққан ҳолда турли-туман бўлади. Шахснинг билиш фаолияти ўз характериға кўра ҳиссий ҳамда ақлий билиш шакллариға ажратилади.

Ҳиссий билиш жонли мушоҳададан иборат бўлиб, билимнинг дастлабки манбаидир. Ҳиссий билиш орқали шахс онгида нарс ва ҳодисалар тўғридан-тўғри акс этади. Ҳиссий билиш сезги, идрок, тасаввур каби муайян шакллардан иборат бўлади. Ҳиссий билишда нарс ва ҳодисалар шахс онгида алоҳида акс этади. Шунинг учун ҳам уларорасидаги алоқадорлик баъзи ҳолларда шахс эътиборидан четда қолади. Инсоннинг сезгилари ақлий билиш манбаи ҳисобланади. У муайян далилларға асосланади. Ушбу жараёнда буюм ва ҳодисалар орасидаги алоқадорлик намоён бўлади.

Маълумки, инсон тафаккури нисбий мустақилликка эга.

Шунинг учун ҳам тафаккур мантикий хулоса чиқаришга кўмаклашади. Инсон ҳиссий билишдан ақлий билишга ўтганда, унинг билиш фаолияти сифат ўзгаришига учрайди. Ақлий билиш – тушунча, ҳукм ва хулоса шаклида намоён бўлади. Илмий билиш жараёнида эмпирик билиш билан назарий билиш уйғунлашади. Эмпирик билиш жараёнида инсон нарсаларга бевосита таъсир кўрсатади. Эмпирик билишнинг методлари сифатида кузатиш, тасвирлаш, тажриба ҳамда ўлчовларни кўрсатиш мумкин.

Назарий билиш жараёнида инсон ҳодисаларнинг мазмун моҳиятини чуқурроқ англашга муваффақ бўлади. Назарий билишнинг шакллари аниқлаш, моделлаштириш, абстракциялаш, формаллик, назариялар яратиш кабилардан иборат. Инсон билиш жараёнида мантикий фикрлашнинг муайян методларидан фойдаланади. Улар ўрганилаётган объектга яхлит ёндашув ҳамда нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнини ифодалайди. Инсоннинг билиш жараёнида

нутқ бирликлари ва турли шартли белгилар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки уларда когнитив фаолият кўрсаткичлари акс этади.

Шахснинг билиш фаолияти муайян вазифаларни бажаради. Ўқув топшириқлари ёрдамида ўқувчиларда тарихий-маданий тажрибалар, ахборотлар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилинади. Бу эса ўқув-тарбия жараёнида аجدодларимиз меросига оид маълумотлар, билимларни ўзлаштириш имконини беради. Улардан фойдаланишга оид ижтимоий тажриба шакллантирилади.

Мутафаккир аجدодларимиз инсоннинг билиш фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига қаратилган методологик ёндашувларни илгари сурганлар. Чунки улар, биринчи навбатда, таълим оловчиларнинг билиш имкониятларини кенгайтиришга эътибор қаратган. Бунинг учун таълим оловчилар олдида уларнинг ақлий тарбияси, изланувчанлигига қаратилган топшириқлар қўйишга ҳаракат қилганлар. Когнитив топшириқларни бажариш ўқувчилардан интеллектуал

фаоллик, эвристик изланувчанлик ҳамда идрок жадаллигини талаб қилади. Шу мақсадда мутафаккир аждодларимиз мактаб ва мадрасаларда таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш ва изланишга оид фаолиятларини тизимли тарзда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган. Бунинг учун, биринчи навбатда, фикр тарбиясига устуворлик берилган. Шу мақсадда мутафаккирлар ўқувчиларни мустақил мутолаа билан шуғулланишга даъват этган. Мустақил мутолаа қилиш ва мантиқий машқларни узлуксиз бажартириш орқали таълим олувчиларнинг когнитив фаолиятини ривожлантиришга муваффақ бўлганлар. Натижада, ўқувчиларда ўз меҳнатидан қониқиш ҳисси, ижобий ҳис-туйғулар, муваффақият

қозонишга интилиш каби сифатлар тарбияланган. Чунки X-XVI асрларда яшаган мутафаккирларнинг аксарияти мактаб ва мадрасаларда ёш авлодга таълим-тарбия берган ёки тарбия масалалари билан мунтазам шуғулланган. Таълим олувчилар янги ахборот ва билимларни ўзлаштириш билан бир қаторда, уларни кундалик ҳаётий фаолиятларига тадбиқ этганлар. Шунинг учун ҳам ўзлаштирилган билимлар ёш авлод учун тарбия манбаи сифатида хизмат қилган. Уларни хатти-ҳаракатлари ва шахсий сифатларига ижобий таъсир кўрсатган.

Улар бу масалага дидактик нуқтаи назардан ёндошган ҳолда, таълим олувчиларнинг ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган билимларни ўзлаштириш ва унга



амал қилишларини таъминлашга эришган. Бундай ёндашув мутафаккир аждодларимиз фаолиятида етакчи ўрин эгаллаган. Айниқса, мадрасада мударрислик қилган мутафаккир аждодларимиз таълим олувчилар томонидан билимларнинг чуқур ўзлаштирилиши ва уларнинг баркамол шахс сифатида шаклланиши учун тарбиявий восита бўлиб хизмат қилишига интиланлар. Когнитив фаолият таълим олувчиларда турликреатив ғояларнинг туғилиши ва уларда эмоционал кечинмаларнинг вужудга келишига асос яратади.

Шунга кўра мазкур фаолият шахсни фаоллик кўрсатиш ва позитив ҳаракатларни амалга оширишга ундайди. Бундай фаолиятга йўналтириш мақсадида аждодларимиз педагогик муҳитнинг идеал моделларини яратишга муваффақ бўлганлар.

Таълим олувчилар эса мазкур жараённинг фаол субъекти сифатида фаолият кўрсатганлар. Чунки таълим олувчилар биринчи навбатда, ўзларини ўраб турган ижтимоий-педагогик муҳитнинг мазмун-моҳиятини англаган ҳолда, мақсадга йўналтирилган фаолиятни амалга оширишлари зарурлигини мутафаккир аждодларимиз қайта-қайта уқтирганлар. Ўз хатти-ҳаракатларининг моҳиятини англаш натижасида инсоннинг билим олиш, маънавий юксалиш, атроф муҳитдаги воқеликни англаш, маънавий-ахлоқий ҳамда интеллектуал ривожланиш эҳтиёжлари қондирилишини таъкидлаганлар.

Когнитив фаолиятга эгалик инсоннинг ўйлаш, фикрлаш, изланиш, воқеа-ходисаларни олдиндан кўра билиш лаёқатини кўрсатади. Аждодлар мероси эса



худди мана шундай лаёқатни тарбиялашга хизмат қилади. Ўзлаштирилган билим ва шахсий сифатлар когнитив фаолият жараёнининг маҳсули ҳисобланади. Мазкур жараён фаол, креатив, танқидий характер касб этиши учун ўқувчиларга уларни интеллектуал ривожлантириш, ўйлашга ундаш, мушоҳада қилиш, аниқ хулосалар чиқариш, таҳлил қилиш имконини берадиган дидактик материаллар тақдим этилиши керак. Бундай дидактик материаллар сирасига халқнинг кўп асрлик ижтимоий тажрибасини ўзида мужассамлаштирган тасаввуф адабиёти ва халқ педагогикаси намуналарини киритиш мумкин.

Марказий Осиёда яшаган буюк алломалар шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун тарбия воситалари ва уларни когнитив ўзлаштириш методларига алоҳида эътибор қаратганлар. Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий каби мутафаккирлар ўз асарларида мазкур воситалар ва методларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, унинг тарбиявий имкониятларини кўрсатганлар.

Шахсни ҳар томонлама тарбиялаш учун ақлий ва интуитив билиш методларини қўллаш зарурлигини уқтирганлар. Эмпирик билиш методлари сирасига мутафаккирлар кузатиш, тажриба, тавсифлаш, ўлчаш кабиларни киритганлар.

Назарий билиш методлари сифатида эса абстракция, формаллаштириш, моделлаштириш кабиларни кўрсатганлар. Алломалар ҳар бир методнинг операционал, қадриятли жиҳатлари мавжудлигини эътироф этганлар. Методнинг операционал жиҳати шахснинг билимдонлиги, тарбияланганлик лаёқатини кўрсатади. Қадриятли жиҳати эса унинг самарадорлиги, аниқлиги, тушунарлилиги, ишончилиги кабиларда намоён бўлади.

Аждодлардан авлодларга шахсий иқтидор, нутқ, мақсадга йўналтирилган ҳолда меҳнат қилиш, фикрлаш фаолияти, фаолият жараёнида ўз хатти-ҳаракатларининг ижтимоий тажриба сифатида узатилишини кўрсатганлар.

Аждодлардан бир қатор сифатлар миллий менталитет

доирасида келгуси авлодларга ўтиши фанда исботланган. Миллий қиёфа, жисмоний қувват, қон гуруҳлари, иқтидор ва лаёқат, интеллектуал ҳамда маънавий-ахлоқий сифатлар шулар жумласидан.

Биологик хусусиятлар шахснинг ўзига хослиги ва фарқли жиҳатларини намоён этади. Мерос тушунчаси доирасида аجدодлардан келгуси авлодларга ўтадиган бир қатор сифатлар назарда тутилади. Аجدодлардан авлодларга ўтадиган хусусиятлар сирасига уларнинг когнитив фаоллиги ҳам киради. Аجدодларимиз юксак ақл-заковат эгаси бўлганликлари туфайли ҳам уларнинг хусусиятлари ва интеллектуал имкониятлари маҳсули бўлган когнитив маънавий сифатлар ёш авлоднинг шахсий сифатларини тарбиялашнинг манбаи ҳисобланади.

Мутафаккир аجدодларимиз томонидан яратилган улкан тарбиявий мерос ёш авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялашга хизмат қилади. Бу эса уларнинг маънавий интеллектуал жиҳатдан

ривожланиши учун педагогик асос яратади. Ўқувчи ёшларда маънавий ахлоқий сифатларни шакллантириш натижасида жамиятнинг маънавий қиёфаси таркиб топади ва соғлом маданий-ижтимоий муҳит вужудга келади. Таълим-тарбия мазмунида халқ ижтимоий тажрибасининг ифодаланиши ўқувчиларда когнитив фаолликнинг вужудга келишига асос бўлади ва таълим муассасасининг тарбиявий имкониятлари кенгаяди. Уларда қизиқишлар, лаёқатлар, иқтидорнинг тўлиқ намоён бўлиши учун шароитлар яратилади. Ўқувчиларда когнитив лаёқатларнинг шаклланишида аجدодлар мероси ва мавжуд педагогик шарт-шароитлар муҳим ўрин эгаллайди. Аجدодларимиз мероси асосида танланган дидактик воситалар ўқувчиларнинг сифатлари билан бир қаторда, уларнинг анатомик, морфологик хусусиятларини ҳам ривожлантиришга қўмаклашади.

Ўқувчилардаги ривожланиш кўрсаткичлари уларнинг интегратив характердаги лаёқатлари орқали намоён бўлади. Бу жараёнда ўқувчиларнинг

умумий ва индивидуал лаёқатлари ўзаро фарқланади. Умумий лаёқатлар ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш билан боғлиқ вазиятларнинг муваффақиятли кечишини таъминлайди. Бу ақлий лаёқатлар, қўл ҳаракатларининг аниқлиги ва нозиклиги, хотиранинг ривожланиши, нутқ ва муомала маданиятининг такомиллашувида акс этади.

Махсус лаёқатлар эса шахснинг ўзига хос лаёқатлари сифатида намоён бўлиб, ўқувчиларнинг ўқув тарбия жараёнидаги фаолияти муваффақиятларини белгилайди. Бундай лаёқатнинг намоён бўлиши учун ўқувчиларнинг иқтидорини тарбиялаш лозим. Ушбу мақсадга йўналтирилган тарбиявий жараёнлар ўқувчиларнинг креатив, мантиқий ва танқидий фикрлаш, техник-ижодкорлик, ташкилотчилик иқтидорларининг намоён бўлишини таъминлайди.

Ўқувчиларнинг умумий ва махсус лаёқатлари бир-бирини бойитишини мутафаккир аждодларимиз кўрсатиб ўтганлар. Бунда иқтидорнинг аждодлардан

авлодларга ўтишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Масалан, поэтик, мусиқий, тасвирий фаолият, техник ижодкорликка оид лаёқатлар аждодларимиз



фаолиятида яққол намоён бўлган. Бундай лаёқатларни ёш авлодда тарбиялаш орқали унинг аждодлардан мерос бўлиб келаётган куртакларини ривожлантириш мумкин.

Аждодлар мероси воситасида ўқувчиларнинг когнитив соҳаларини фаоллаштиришда уларнинг қизиқишлари ва майлларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ота-оналар ва ўқитувчиларнинг болаларнинг ҳар бир ҳаракатини чуқур таҳлил қилишни тақозо этади. Уларда мавжуд бўлган иқтидор нишонларини тарбиялаш ва

ривожлантириш ота-оналар ва педагоглардан ҳам масъулият талаб этади. Бу кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг тарбиявий жараёнларни мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этишларига боғлиқ.

Ҳар бир бола фаолиятнинг муайян турига қизиқади. Шунга кўра аجدодлар тажрибасига кўра мазкур фаолият усулларини ўзлаштиради. Ота-оналар ва ўқитувчилардан болаларни аجدодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтиб келаётган фаолият турларига қизиқтириш талаб қилинади. Бу ўз навбатида, аجدодлар тажрибасининг давомийлиги ва миллатимиз вакиллари орасида иқтидорларни тарбиялашга масъулият билан ёндашишни таъминлайди. Ҳар бир ўқувчининг қизиқишларини рағбатлантириш асосида уларни ўзлари қизиқган фаолият турига жалб этиш лозим. Бунинг учун дастлаб ўқувчиларда когнитив фаолликни таъминлаш талаб қилинади.

Ҳар бир шахснинг иқтидори муайян фаолият орқали намоён бўлади. Мутафаккир аждодларимиз санъат ва фаннинг

муайян соҳасида фаолият кўрсатиб, бутун дунёга ўзбек миллатини танитишга муваффақ бўлганлар. Миллатимизнинг ҳар бир вакилида миллий ғурур туйғусини тарбиялаш учун асос яратади ҳамда ўқувчиларда когнитив фикрлаш фаолиятининг ривожланишини таъминлайди. Иқтидор муайян фаолиятни муваффақиятли бажариш орқали намоён бўлади. Ушбу фаолиятни инсоннинг ўзи мавжуд билимлари, шарт-шароитлари, қизиқишлари, мотивлари ҳамда ижтимоий тажрибадан келиб чиққан ҳолда танлайди. Инсоннинг ушбу фаолият турида муваффақият қозониши унинг билим даражаси, ўзлаштирган ижтимоий тажрибасига бевосита боғлиқ. Ўқувчиларда интеллектуал фаолият ва когнитив фаолликнинг ривожланишида халқнинг ижтимоий тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, ижтимоий тажриба аждодлар меросида мужассамлашган бўлиб, кўп асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб, бойиб, ривожланиб боради. У аждодлар тафаккури маҳсули ҳисобланади.

